«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ВАЛЮТА БИРЖАСИ»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ
ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ
73-сонли БАЁНИдан КЎЧИРМА

Умумий йиғилиш Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов шоҳ кўчаси, 4-уй "ЎзРВБ" АЖ биносида ўтказилди.

Йиғилишда кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарор қабул қилиш учун акциядорлар иштирок этдилар.

Йиғилиш ўтказилган сана:	2016 йил 29 июнь.
Рўйхатга олиш бошланган вақт:	соат 15.00
Рўйхатга олиш тугаган вақт:	соат 15.15
Йиғилиш ёпилган вақт:	соат 16.00
Баён тузилган сана:	2016 йил 4 июль.

ЎзРВБ акциядорларининг жами овозлари сони – 1 069 600 та.
Жумладан:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки	- 536200;
«Ўзбекистон саноат - қурилиш банки» акциядорлик тижорат банки	- 119000;
Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки	- 119000;
«Агробанк» акциядорлик тижорат банки	- 95200;
«Ипак Йўли» акциядорлик инновация тижорат банки	- 95200;
«Ориент Финанс» хусусий акциядорлик тижорат банки	- 61600;
Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки	- 43400.

ЎзРВБ акциядорларининг қатнашган вакиллари:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

Хамракулов Вохиджон Тохирович - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ички валюта бозоридаги операциялар бошқармаси бошлиғи;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки

Лазарева Елена Рафисовна - Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Қимматли қоғозлар бошқармасининг қарз қимматли қоғозлар бўлими бошлиғи;

«Ўзбекистон саноат–қурилиш банки» акциядорлик тижорат банки:

Газиев Улуғбек Муллахонович - "Ўзбекистон саноат – қурилиш банки" акциядорлик тижорат банки Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар бошқармаси бошлиғи;

«Агробанк» акциядорлик тижорат банки:

Камбаров Джасурбек Мирза Анварович - "Агробанк" акциядорлик тижорат банкининг Қимматли қоғозлар бошқармаси бошлиғи.

«Ипак Йўли» акциядорлик инновация тижорат банки:

Мовлонов Навфал Хамидович - "Ипак Йўли" акциядорлик инновация тижорат банки Қимматли қоғозлар бўлимининг бошлиғи;

«Ориент Финанс» хусусий акциядорлик тижорат банки:

Гулямов Муродходжа Музаффарович - "Ориент Финанс" хусусий акциядорлик тижорат банки Казначейство департаменти директори ўринбосари;

Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки:

Агзамов Жасурбек Абсаматович - Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки Қимматли қоғозлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи.

Йиғилишда қатнашган акциядорлар 1 069 600 та овозга эга бўлиб, бу жами овозлар сонининг 100 фоизини ташкил этади.

КУН ТАРТИБИ:

1. ЎзРВБ саноқ комиссияси аъзоларининг сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. ЎзРВБ Кузатув кенгашининг 2015 йилда ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар, шу жумладан ЎзРВБни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисоботини эшитиш.
3. ЎзРВБ Тафтиш комиссиясининг хулосасини эшитиш.
4. ЎзРВБнинг 2015 йил учун йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
5. ЎзРВБнинг 2015 йил якунларига кўра соф фойдаси ва ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасини тақсимлаш.
6. ЎзРВБ Кузатув кенгашининг аъзоларини сайлаш.
7. ЎзРВБ Тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш.
8. ЎзРВБ Ижроия органи (Бош директор) билан тузилган меҳнат шартномасининг амал қилиш муддатини узайтириш.
9. 2016 йил учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш.
10. ЎзРВБни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш.
11. Корпоратив бошқарув кодексини жорий этиш.
12. ЎзРВБ фаолиятига Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини қабул қилганлиги тўғрисида хабар бериш шаклини тасдиқлаш.
13. ЎзРВБнинг ички ҳужжатларини тасдиқлаш:

- ""ЎзРВБ" АЖнинг дивиденд сиёсати тўғрисида"ги низом;

- ""ЎзРВБ" АЖда манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисида"ги низом;
- ""ЎзРВБ" АЖ ички назорати тўғрисида"ги низом;
- ""ЎзРВБ" АЖ ички назорат органлари (тафтиш комиссияси ва ички аудит хизмати)нинг кузатув кенгаши, акциядорлар умумий йиғилиши ва акциядорлар билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби".

14. "ЎзРВБ" АЖ Уставига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш.

15. ""ЎзРВБ" АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида"ги, ""ЎзРВБ" АЖ Кузатув кенгаши тўғрисида""ги, ""ЎзРВБ" АЖ Ижроия органи тўғрисида""ги низомларга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш.

ЎзРВБ акциядорларининг овоз бериш бюллетенлари асосида ЎзРВБ акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг қуйидаги қарори қабул қилинди:

1. ЎзРВБ саноқ комиссияси 3 кишидан иборат қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

- Худойбердиев Ж.Б. – ЎзРВБ юридик хизмати бошлиғи;
- Раззакова Б.А. – ЎзРВБ ички аудит хизмати етакчи аудитори;
- Мирзаахмедова И.А. – ЎзРВБ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича етакчи мутахассис.

Рози – 1 069 600 та, норози – йўқ, бетараф – йўқ.

2. ЎзРВБ Кузатув кенгашининг 2015 йилда ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар, шу жумладан ЎзРВБни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисоботи тасдиқлансин.

Рози – 1 069 600 та, норози – йўқ, бетараф – йўқ.

3. ЎзРВБ Тафтиш комиссиясининг хулосаси тасдиқлансин.

Рози – 1 069 600 та, норози – йўқ, бетараф – йўқ.

4. ЎзРВБнинг 2015 йил учун йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.

Рози – 1 069 600 та, норози – йўқ, бетараф – йўқ.

5. ЎзРВБнинг 2015 йил якунларига кўра соф фойдасидан ва ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан **13 194 703 256,00 сўм** акциядорлар ўртасида дивиденд сифатида тақсимлансин (1-иловага мувофиқ).

Дивидендларни тўлаш шакли – акциядорларнинг ҳисобрақамларига пул маблағларини ўтказиш йўли билан.

Дивидендларни тўлаш бошланадиган сана – 2016 йил 30 июнь.

Дивидендларни тўлаш тугайдиган сана – 2016 йил 25 август.

ЎзРВБнинг 2015 йил соф фойдаси ва ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасини дивиденд сифатида тақсимлаш учун ҳисоблашда ҳосил бўлган **10063,83 сўм** миқдоридаги маблағ ЎзРВБнинг тақсимланмаган фойдаси сифатида қолдирилсин ҳамда келгуси даврларда ЎзРВБнинг соф фойдасига қўшиб дивиденд сифатида тақсимлансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига қайтариш мақсадида **22 757 906,48 сўм** миқдоридаги пул маблағлари ЎзРВБнинг 2015 йил учун тақсимланмаган соф фойдаси ҳисобидан "Туронбанк" АТБга йўналтирилиши маъқуллансин.

Рози – 1 069 600 та, норози – йўқ, бетараф – йўқ.

6. ЎзРВБ Кузатув кенгаши аъзолари "Кумулятив овоз бериш бюллетени" бўйича овоз бериш натижаларига кўра қуйидаги таркибда сайлансин:

1. Ходжаев Саидкамол Саидкаримович - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раисининг биринчи ўринбосари

Овозлар сони: Рози – 1 069 600 та.

2. Ҳамракулов Вохиджон Тохирович - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ички валюта бозоридаги операциялар бошқармаси бошлиғи

Овозлар сони: Рози – 1 069 600 та.

3. Мирсоатов Алишер Қудратуллаевич - Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Бошқаруви Раисининг ўринбосари

Овозлар сони: Рози – 1 069 600 та.

4. Якубов Шухрат Исроилович - "Ўзбекистон саноат-қурилиш банки" акциядорлик тижорат банки Бошқаруви Раисининг ўринбосари

Овозлар сони: Рози – 1 069 600 та.

5. Зарипов Ботир Комилович - "Агробанк" акциядорлик тижорат банки Бошқаруви Раисининг биринчи ўринбосари

Овозлар сони: Рози – 1 069 600 та.

6. Мирзаев Алишер Анварович - "Ипак Йўли" акциядорлик инновация тижорат банки Бошқаруви Раиси вазифасини бажарувчи

Овозлар сони: Рози – 1 069 600 та.

7. Джунайдуллаев Тохир Фахриддинович - "Ориент Финанс" хусусий акциядорлик тижорат банки Бошқаруви Раисининг биринчи ўринбосари

Овозлар сони: Рози – 1 069 600 та.

7. ЎзРВБ Тафтиш комиссиясининг аъзолари қуйидаги таркибда сайлансин:

1. Соатов Хусан Абдухомидович - "Ўзбекистон саноат-қурилиш банки" акциядорлик тижорат банки Бухгалтерия ҳисоби сиёсатини ижро назорати бошқармаси бўлим бошлиғи

Рози – 1 069 600 та, норози – йўқ, бетараф – йўқ.

2. Фенютина Нинель Альфредовна - АИТБ "Ипак Йўли" акциядорлик инновация тижорат банки Қимматли қоғозлар бўлими бош мутахассиси

Рози – 1 026 200 та, норози – 43 400 та, бетараф – йўқ.

3. Капланбеков Анвар Хамидуллаевич - Ўзбекистон Республикаси акция-дорлик тижорат Халқ банки Қимматли қоғозлар билан ишлаш бошқармаси бош мутахассиси

Рози – 950 600 та, норози – 119 000 та, бетараф – йўқ.

8. Ўзбекистон республика валюта биржаси Ижроия органи (Бош директор) лавозимига Бекмирзаев Навруз Бурханович тайинлансин ва у билан тузилган меҳнат шартномасининг амал қилиш муддати 2017 йилда ўтказиладиган ЎзРВБ акциядорларининг йиллик умумий йиғилишигача узайтирилсин.

Рози – 1 069 600 та, норози – йўқ, бетараф – йўқ.

9. 2016 йилда ЎзРВБда аудит миллий стандартлари (АМС) ҳамда халқаро аудит стандартлари (ХАС) талабларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун "FINEKS" МЧЖ аудиторлик ташкилоти билан шартнома тузилсин ва аудиторлик хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегараси 28,0 млн. сўмгача (6 млн. сўм (АМС бўйича) ва 22 млн. сўм (ХАС бўйича)) миқдорда белгилансин.

Рози – 1 069 600 та, норози – йўқ, бетараф – йўқ.

10. ЎзРВБни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегияси тасдиқлансин (2-илова).

Рози – 1 069 600 та, норози – йўқ, бетараф – йўқ.

11. Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сонли баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбурияти олинсин.

Рози – 1 069 600 та, норози – йўқ, бетараф – йўқ.

12. Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини қабул қилиш тўғрисида хабар бериш шакли 3-иловага кўра тасдиқлансин.

ЎзРВБ Кузатув кенгаши Корпоратив бошқарув кодексини жорий этиш бўйича чора-тадбирларни ўз вақтида бажарилиши устидан назорат қилишни таъминласин.

Рози – 1 069 600 та, норози – йўқ, бетараф – йўқ.

13. ЎзРВБнинг қуйидаги ички ҳужжатлари тасдиқлансин:

- ""ЎзРВБ" АЖнинг дивиденд сиёсати тўғрисида"ги низом (4-илова);
- ""ЎзРВБ" АЖда манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисида"ги низом (5-илова);
- ""ЎзРВБ" АЖ ички назорати тўғрисида"ги низом (6-илова);
- "ЎзРВБ" АЖ ички назорат органи (тафтиш комиссияси ва ички аудит хизмати)нинг кузатув кенгаши, акциядорлар умумий йиғилиши ва акциядорлар билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби (7-илова).

Рози – 1 069 600 та, норози – йўқ, бетараф – йўқ.

14. ЎзРВБ" АЖ Уставига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Рози – 1 069 600 та, норози – йўқ, бетараф – йўқ.

15. ""ЎзРВБ" АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида"ги, ""ЎзРВБ" АЖ Кузатув кенгаши тўғрисида""ги, ""ЎзРВБ" АЖ Ижроия органи тўғрисида""ги

низомларга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар 9-11-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин ҳамда "ЎзРВБ" АЖ Уставига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилганидан сўнг кучга кирсин.

Рози – 1 069 600 та, норози – йўқ, бетараф – йўқ.

Йиғилиш раиси (имзо) **В.Т. Хамракулов**

Йиғилиш котиби (имзо) **Р.Р. Усманов**

Аслига кўра тўғри:

Бош директор

Биринчи ўринбосари **Р.Р. Усманов**